Tadqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022




2022
IYUN
№41

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 8-ҚИСМ

# НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-8

# NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-8

ТОШКЕНТ-2022

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:”** мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## АДАБИЁТ

**1. Палымов Фарахат Нуриевич**
КАМАЛ МӘМБЕТОВТЫҢ «ҲҮЖДАН» РОМАНЫНДА ОБРАЗ ЖАСАЎ ШЕБЕРЛИГИ.................................................. 7
**2. Турдиев Санжар Комилович**
ИНДОНЕЗ ШОИРИ ҲАЙРИЛ АНВАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ЯРАТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ ТАҲЛИЛИ................................ 9
**3. Ҳ.Утемуратова, А.Ешимуратова**
ШЫҒАРМА КОМПОЗИЦИЯЛЫҚ ҚУРЫЛЫСЫ ТУЎРАЛЫ.......................... 12
**4. Lutfullayeva Feruza Nurillayevna**
ADABIYOT DARSLARIDA KO‘RGAZMALILIK VA UNING TURLARI.............. 15
**5. Nematova Gulshan, Hamidullayeva Guljahon**
TOG‘AY MURODNING “OTAMDAN QOLGAN DALALAR” ROMANIGA CHIZGILAR...................................................... 17
**6. Қодиров Бобур Қодирович**
“МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР.................................................. 19

## АДАБИЁТ

# КАМАЛ МӘМБЕТОВТЫҢ «ҲҮЖДАН» РОМАНЫНДА ОБРАЗ ЖАСАЎ ШЕБЕРЛИГИ

**Палымов Фарахат Нуриевич**
ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ гуманитар фанлар
илмий-тадқиқот институты, кичик илмий ходим
Телефон: (+99890659-75-95)
fpalimov@mail.ru

**Аннотация:** Мақалада К.Мәмбетовнинг «Ҳүждан» романының идея-тематикалық, көркемлик өзгешеликлери ҳәм романда образ жаратыў щеберликлери илимий ҳәм көркем ойлаўдың синтези мәселелери тийкарындакөрип шығылған.

**Калит сўзлар:** жанр, роман, идея-тематика, образ, илимий ҳәм көркем ойлаў синтези, баянлаў

Белгили әдебиятшы-алым, филология илимлериниң докторы, профессор Камал Мәмбетов кең жәмийетшиликке жазыўшы сыпатында да белгили. Жазыўшының тарийхый теманы сөз етиўши еки китаптан ибарат «Посқан ел» (1988), «Түркстан» (1993), заманагөй темада жазылған «Ҳүждан» (1991) романларының сюжети ҳәм композициясында ўақыяларды көркемлеп сүўретлеўде илимий ойлаў белгили дәрежеде сезилип турады. Буның баслы себебин, талант ийесиниң ҳәм дөретиўшилик ҳәм илимий жумыслар менен теңдей шуғылланыўында десек болады. Мысалы, жазыўшының «Ҳүждан» романың бас қаҳарманы Қасымның жаслық ўақытлардан-ақ халқымыздың ерте дәўирлери менен қызықсыныўы ҳәм устазы үлкен алым, Мурат Мухамедовичтиң оған болған сүйиспеншилигин де бирден арттырады ҳәм романдағы турмыслық ҳәм илимий фактлердиң барлығы да тарийхый ҳақыйқатлыққа сай келеди. Олардың барлығы да К.Мәмбетовтың «Әййемги қарақалпақ әдебияты» (1976), «Шығыс әдебияты тарийхы» (1993), «Қарақалпақлар шежиреси» (1993), «Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы» (1995) ҳәм т.б. мийнетлеринде, басқа да алымлардың китап ҳәм изертлеўлеринде анық көрсетилген. Бир неше мәртебе тастыйықланған, гейде тартысларға да себепши болған.

Бир қызық жери ҳәм әдебият ушын да баҳалы, пайдалы тәрепи сол-жазыўшы илимий мийнетлеринде айтылған ҳәм дәлилленген әдебиятқа тийисли тәреплерин алып таслайды да, ал, оның халық тарийхына тийисли бөлеклерин тарийхшы профессор Қасым Сейтназаров образын еле де айқынырақ ашып бериўде, оның ишки алымлық ҳам ойшыллық дүньясын ашыўда өнимли ислеткен.

«…Адам өзи менен өзи сырласса да кеўли азмаз сергекленеди.

Бүгин де ол тап сондай болды. Кроватында шалқасына жатып, илим кандидаты деген атақты алыў ушын жақланған диссертацияның дәслепки күнин еслеп кетти.

…Бул күни ол соншама қуўанышлы еди…

…Диссертация адам өмиринде бир тойға усаған қуўанышлы нәрсе болғаны менен оның қыйыншылықлары да көп, – деди академик. –Бүгин жумысың таяр болған екен. Демек, қыйыншылықтың бәри де артта қалды. Сонда да өзиңди беккем тут. Теманың үлкен кишилиги жоқ. Бирақ, ҳәр қандай диссертацияда қойылған проблеманың уллылығы ҳәм әзизлиги бар. Бүгинги илимий советке алымлар көбирек жыйналып атыр. Демек, қызығыўшылық керек. Халық өз тарийхын умытқан… Бүгин мен саған табыслар тилеймен. Бирақ, асықпа, албырама…» [2:126].

Илимий орталықтан шыққан қаҳарман образларын усылайынша сүўретлеў қарақалпақ әдебиятында дәслепкилерден болып алым ҳәм жазыўшы К.Мәмбетовтың романында

қолланылып, буны жаңалықлардың бири деп баҳалаў орынлы, Усы бағытта ол Қасымның да, оның устазы Мурат Мухамедовичтиң де өз-ара қатнасларын илимге, халық тарийхына қызығыўшылығын тәсирли ашқан.

Бул романда илимийлик пенен көркемликтиң синтезиниң қунлы тәреплериниң және бири сонда, жазыўшы Қасымның диссертациялық мийнетиниң негизги мазмунында қысқа-қысқа болса да оның ойланыў, ядқа түсириўлери арқалы публицистизм менен де, айырым орынларда диссертацияны жақлаў ўақытларындағы жас илимпаздың басқа алымлар берген сораўларына жуўаплар түриндеги диалог ҳалында да ықшам ҳәм тәсирли, мазмунлы сәўлелендирген. Мысалы: «Минберге көтерилген Қасым әдеўир албыраған болса да, соңынан өзин оңлап алды.

Диссертацияның биринши бөлими ерте дәўирдиң тарийхы. Бул дәўирде Орта Азия халықларының ҳеш биреўи де еле тарийх аренасына шықпаған. Яғный, қәўимлик дәўир деп есапланатуғын еди. Булар: Сак…Массагет… Гун… Огуз… Қыпшақлар… Олардың ҳәммеси де Орта Азия халықларын қураған.

Енди усы қәўимлердиң қарақалпақ халқының қуралыўына қандай қатнасы бар?...

Қасым әдеўир ойланып қалды» [2:127]. Бул Қасымның жеке ойлары, оның жақлаў ўақтында айтқан пикирлериниң ямаса авторефератта көрсетилген тәнҳә өзине тийисли пикирлери еди.

Жазыўшы баянлаўды усы бағдарда даўам етип кете берсе, әлбетте, ол қызықсыз ҳәм оқыўшыларды жалықтырған болар еди. Сонлықтан, талантлы қәлем ийесиқаҳарманлардың диалогларынан өнимли қолланып отырады. Илимпаз-жазыўшы К.Мәмбетов өзиниң «Әдебият теориясы» мийнетинде былайынша пикир билдиреди: «Ўақыяға қатнасыўшы қаҳарманлар сәдде-сәдде болып, көриниси, түри, ҳәрекетлери менен көз алдыңда турмаса ондай шығарма адамларға руўхый азық бере алмайды»[3:45].

Роман сюжетиндеги усындай диалоглы сөзлердиң көркемлик хызметин әдебиятшы З.Бекбергенова былайынша баҳалаған: «Жазыўшы К.Мәмбетовтың көркем сүўретлеўдеги шеберлиги – «Ҳүждан» романының қаҳарманлары менен персонажларын өмир тәжирийбесине ылайық социаллық ҳәм жәмийетлик ислер үстинде ойландырыўға ҳәм пикирлер таласына түсирип сөйлетиўинде көринеди» [1:19].

Көрип отырғанымыздай, бул усыл қурғақ ҳәм бираз тәсирсиз публицистикалық баянлаўға салыстырғанда оқыўшы ушын тәсирли, өзине тартымлы. Әлбетте, романдағы биз көрсеткен тәнҳә илимге ҳәм илимпазларға байланыслы фактлердиң әдебий көркем формаға түсирилиўи туўра мәнисинде-ақ, көзге бирден көринетуғын илимийлик ҳәм көркем ойлаў, жеке илимий фактлер ҳәм жазыўшылық фантазияның синтезиниң ямаса олар арасындағы бирикпениң жемислери болып есапланады.

**ӘДЕБИЯТЛАР:**

1. https://scholar.google.com › citations Бекбергенова З. Қаҳарман характерин ашыўда сөйлеў минезлемесиниң роли // журнал «Новый университет».г. Йошкар-Ола.№3, 2016.
2. Мәмбетов К. Ҳүждан. – Нөкис, «Қарақалпақстан», 1991.
3. Мәмбетов К. Әдебият теориясы. Нөкис, «Билим», 1995.

# ИНДОНЕЗ ШОИРИ ҲАЙРИЛ АНВАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ЯРАТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Турдиев Санжар Комилович**
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети тадқиқотчиси
e-mail: zts.group.uz@gmail.com

**Аннотация**
Индонез шоири Ҳайрил Анвар ((Chairil Anwar) 1922 йил 26 июлда, Медан шаҳрида туғилган— 1949 йил 28 апрелда 27 ёшида Жакартада вафот этган) шеърияти индонез адабиёти назм оламига янгича услуб, янгича қирралар ва ўзининг реалистик қарашлари билан кириб келган. Мақолада Ҳайрил Анвар ижоди ва унинг ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлари илмий таҳлил этилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**: индонез, шеърият, Ҳайрил Анвар, тематика, ватанпарварлик

Индонезиялик ўзига хос атоқли шоир, таржимон, “45-йиллар авлоди” ҳаракатининг етакчиси бўлган Хайрил Анвар ижодини таҳлил қилиш жараёнида кузатиш мумкинки, унинг шеърияти мавзуларида ўзи яшаган даврда Индонезиянинг мустақил эмаслигидан куюниб, ватанпарварлик, озодлик, мустамлака ва мутеликни қоралаш, дин ва мансаб ниқоби остидаги мансабдорларнинг разилликларни очиб ташлаш, сиёсат иллатларини қоралаш, шунда ҳам инсонларга мотивация бериш каби мазмунларни ёритади.

“Шеър мавзуси шеърда муҳокама қилинаётган мавзу билан боғлиқ бўлади. Шеърнинг юздан ортиқ турли машҳур мавзулари бўлишига қарамасдан, кўпгина концепциялар шеър тасвирлаётган давр, шеър шакли ҳамда маданий тафовутларга кўра аниқланади. Севги, табиат, тарих, дин ва ўлим мавзулари шеъриятнинг ҳар бир турида учрайдиган умумий мавзулардандир.” [1]

Ҳайрил Анвар шеъриятида ҳам оммавий мавзулар: ватанпарварлик, севги, ўлим, жамиятдаги турли табақалар ва ҳаёт ҳақидаги мавзулар кузатилади. Шунингдек, унинг шеърлари кучли ва чуқур фалсафий мушоҳадани ҳам талаб этади. Шоир шеъриятида энг биринчи ўринда турадиган, ёзган шеърларининг энг кўп миқдорини ташкил қиладиган мавзу – бу ватанпарварлик руҳидаги шеърлардир.

Ҳайрил Анвар шеъриятини ўрганар эканмиз, шоир шеърларининг асосий мавзуси *Ватан* деб айта олишимиз мумкин.

Шоир шеърларини бир марта ўқиганда, у шеър кимга мурожаат қилинаётганини балки англаш мушкулдир. Лекин зўр маҳорат билан ёритилган мазкур мавзуда, ватанда юз бераётган нобакорликлардан чекилаётган изтироблару азоблар, ватанда содир бўлаётган иллатлар, нохушликлар, уларни бартараф этиш ўйлари, ғоялар, ватан, тупроқ, халқ инқирозини кўра билиб, чидаб тура олмаслик хусусиятари ва кечинмалар мужассамдир.

Фикрларимиз исботи сифатида ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърларидан бирини келтирсак:

**PENERIMAAN**
Kalau kau mau kuterima kau kembali
Dengan sepenuh hati
Aku masih tetap sendiri
Kutahu kau bukan yang dulu lagi
Bak kembang sari sudah terbagi
Jangan tunduk! Tentang aku dengan berani
Kalau kau mau kuterima kembali
Untukku sendiri tapi
Sedang dengan cermin aku enggan berbagi. [2]

**Қабул қилиш**
Агар қайтариб қолмоқ истасанг
Бутун юрагинг-ла хоҳишинг берсанг
Мен ҳамоно ўзим-ла ўзим
Биламан, бўлмассан аввалги яна

Гўё гўзал гулсан шоҳлари яра.
Эгилма! Тиз чўкма!
Қарши ол мени мағрур бош ила.
Агар қайтариб олмоқ истасанг
Яралганман мен
Ўзимчун ўзим
Энди шу биргина кўзгум
Ила синишни мен истамагум!

Бу шеър ватан билан шоирнинг ўзаро суҳбатидек туюлади. Шоир агарда, ватанининг ўша олдинги, қачонлардир бўлган гўзал онлари, фаровон ҳаётини қайтариб олмоқни мақсад қилсак, буни чин дилдан хоҳлаб, бутун юрак билан ҳаракатга киришмоқ даркорлигини таъкидлайди.

Ватан шоҳлари яра бўлган гулга қиёсланаётган экан, ватан учун дилнинг тубидан чиқаётган қайғуриш, изтироб ҳиссиётлари сезилади. Шоир ватанини доимо чақнаб, яшнаб турган гулга қиёслаб, аммо ҳозирги кунда кўринишидан чиройи, аммо бизга кўринмайдиган томонлари –гулнинг шоҳларида яралар борлигини фош этади.

Шоир ватанга Эгилма! Тиз чўкма! деб мурожаат қилади. Яъни мустамлакачилар буйруғию ўзбошимчаликларига ўз халқининг бўйсуниши, доим улар айтганидек қилишини ҳазм қила олмайди. У ватанини ҳамиша мағрур бош билан олға қадам ташлашини хоҳлайди.

Шоир "кўзгу"си яъни ватанини яна аввалги ҳолатидек гуркираган даврини қайта кўриш илинжи йўқолишидан қўрқади.

Кўриниб турибдики, мазкур шеър тамомила ватанпарварлик, ватан учун қайғуриш ҳиссиётлари билан йўғрилгандир.

Ватанининг, халқининг яхши кунларига умид бағишлаган, айни дамдаги ҳолатидан азият чеккан шеърни таҳлил қиламиз:

**Hampa**

Sepi di luar. Sepi menekan mendesak.
Lurus kaku pohonan. Tak bergerak
Sampai ke puncak. Sepi memagut,
Tak satu kuasa melepas-renggut
Segala menanti. Menanti. Menanti.
Sepi.
Tambah ini menanti jadi mencekik
Memberat-mencekung punda
Sampai binasa segala. Belum apa-apa
Udara bertuba. Setan bertempik
Ini sepi terus ada. Dan menanti.[1]

**Бўм бўш**

Ташқари сокин. Тиғизлик ва босим ҳам – Сукунат.
Баланд ва беўхшов дарахтлар – беҳаракат.
Баланд чўққиларгача ҳамон,
Даҳшатли сукунат ҳукмрон.
Билмадим, куч ва жасурлик
Ўзидан воз кечдими, қилиб қўрқоқлик?!
Бари кутмоқда. Кутмоқда ҳамон
Жимжитлик.
Бу кутиш этарми давом?!
То бўғзингга тиқилиб тамом.
Оғирлашаман. Елкадан кетиб қувват, куч
Бари бўлгунча вайронаю пуч
Ҳали ҳеч гап йўқ
Гиёҳ ҳавоси эсади шўҳ
Ўша сукунат ҳали ҳукмрон.
Кутмоқдамиз, кутмоқда ҳамон.

1 Chairil Anwar. Kerikil Tajam. – Jakarta. 1949. P.-25.

Бунда инсонлардаги бепарволик, ҳеч ким бўлаётган адолатсизлигу нотўғри тизимга ҳеч қандай қарши фикр билдира олмасликлари ифодаланган. Ўзлари баланд яъни ёши катта ёки юқори унвонда бўлса-да, беўхшовгина дарахтлар каби беҳаракат қолганлар. Ҳаттоки энг ёши улуғ ва кўпни кўрган, зиёлилар ҳам чўққига ташбеҳ қилиниб, улар ҳам гўёки гунг ва соқов.

Шоир изтиробда… Ватан учун курашадиган мард ўғлонлар йўқлигидан, қўрқув исканжасида уларнинг жасурлигию забардастлиги йўқолиб бораётганидан юраги ачимоқда.

Лекин шунда ҳам ёруғ кунлар келишига умид боғлаб, у кунларни зор- интизор кутмоқда. Шунчалар кутмоқдаки, юраги торлашиб, гўё кимдир унинг томоғига пичоқ тақаётгандек ҳис қилмоқда. Шунчалар мунтазирки, кутиш азобидан бутун баданидан қуввати тугагунча беҳолликка юз тутмоқда.

Гиёҳ –“bertuba” индонез тилидан таржима қилганимизда, доривор ўсимлик маъносини беради. Яъни гиёҳ ҳавоси - унинг дардига малҳам бўладиган умид ифори сезилмоқда эканлигини шеърининг мисраларида моҳирлик билан таърифлайди. Шеър сўнггида ҳам дориломон кунларга бўлган умид ҳали ҳамон бор эканлигини “Menanti, menanti” -“Кутмоқдамиз, кутмоқдамиз” деган мисралар билан якунлайди.

Ватанпарварлик руҳидаги шеърлар тадқиқоти жараёнида, Ҳайрил Анвар асосан Ватан учун чеккан изтироблари, унда бўлаётган иллатларга танқидий қарашлари, ва Ватан равнақи учун баъзида сезилар, баъзида сезилмас умид учқунлари билан ёзганлигини кузатамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. www.philology.ru
2. Chairil Anwar. Kerikil Tajam. – Jakarta. 1949. P.-21.
3. The development of Modern Indonesian Poetry. (Замонавий Индонез Шеърияти ривожланиши) Albany: State University of New York Press, 1967. P.80-81.
4. Yampolskiy Tinuk. Chairil Anwar: Poet of a generation. (Ҳайрил Анвар: Авлод шоири) Northern Illinois University. 2002.

# ШЫҒАРМА КОМПОЗИЦИЯЛЫҚ ҚУРЫЛЫСЫ ТУЎРАЛЫ

**Ҳ.Утемуратова, А.Ешимуратова**
Өзбекстан Республикасы Илимлер
Академиясы Қарақалпақстан бөлими
Қарақалпақ гуманитар илимлер
илим-изертлеў институты, Нөкис қаласы

**Аннотация.** Мақола қорақалпоқ адабиетшунослигидаги долзарб муаммоларининг бирига бағишланган. Муаллифлар халқ оғзаки ижодиетининг ва тарихий роман -лардаги ўзига хос хусусиятларини белгилаган. Мақола адабиетшунослик фанидаги долзарб масалани илгари сурган. Муаллифлар тадқиқ қилинаетган масала бўйича илмий-назарий хулосаларга эришган. Қорақалпоқ халқ оғзаки адабиетидаги ва тарихий романлардаги изланишлар ҳақида тегишли хулосаларга келган.

**Калит сўзлар.** Халқ ижодиети,наср,назм,ижодий лаборатория,яр-яр,тарихий роман,композиция,сюжет.

Тарийхый романлар көплер жазылып атыр[1] . Тарийхый проза менен фольклор байланысы изертленди. Филология илимлериниң докторлары Н.Дәўқараев пенен Қ.Айымбетов[2:320], қ.Мақсетов, К.Мамбетов[3;145], К.Алламбергенов, алым ә.Тәжимуратов пенен Ж.Хошниязовтың [4:144] қарақалпақ халық аўызеки әдебиятын, фольклорын ең көп изертлеген илимпазлар сыпатында атлары тарийхта сақланған. Қарақалпақ фольклористикасында жәмийетлик ҳәм турмыслық факторлардың эпикалық баянланыў жағдайларын үйрениў мәселеси ҳәзирги күнде жаңа илимий тәжирийбе сыпатында баҳаланады ҳәм илимий шешимлердиң анықлығын талап етеди. Бунда қарақалпақ халық мифлериниң миллий дәстанлардың пайда болыўындағы орны анықланған. Қ.Айымбетов өз искерлигиниң дәслепки жылларында балалар ушын сабақлықлар да жазған. Есап китабы менен әдебият бойынша оқыў қуралы усындай китаплардан еди. Ол тек изертлеўши алым ғана емес. Аўызеки әдебияттың үлгилерин жазып алыў исине де үлес қосқан. Адамлардың аўызларынан көплеген халық қосықларын,бет ашарларды,той басларларды, нақыл-мақаллар, жумбақлар, жаңылтпашлар, бәдиклер, гүлапсанлар, жуўап айтыслар түрлери, дәстанлар жазып алды. Бул мағлыўматлардың барлығы атадан-балаға, аўыздан-аўызға, әўладтан-әўладқа өтип сақланып жеткенлиги мәлим. «Қарақалпақ намалары» атлы илимий-изертлеўи «Мийнет әдебияты» журналында 1932-жылы дағазаланған болса, «Қарақалпақ фольклоры ҳаққында» атлы изертлеў жумысы «Қарақалпақстан әдебияты ҳәм искусствосы» журналында 1939-жылы шықты.«Жыраўлар» атлы мақаласы «Әмиўдәрья» журналының 1960-жылы 6-санында басылып шықты. «Тарийхый қосықлар» мақаласы болса 1964-жылы усы журналда 6-санында шықты. «Қарақалпақ фольклоры» китабы 1977-жылы баспадан шықты, «Қарақалпақ нақыл-мақаллары» атлы китап 1979-жылы, «Халық даналығы» атлы илимий жумысы 1968-жылы китап болып шықты. Булардың барлығы Қ.Айымбетовтың қаншелли тынбай изленетуғын, жуўапкершилик пенен мәселеге қатнас жасайтуғын илимпаз екенлигин билдиреди. Салт-дәстүр жырлары сыпатында берилген той баслар, ҳәўжар, бет ашар, айтымал қосықларының үлгилери де келтирилген. Қарақалпақ халқы да түркий халықлар-өзбек, қазақ,түркмен халықлары сыяқлы өз дәстүрлерине ийе.Әсиресе,той дәстүрлери бул халықта әййемги дәўирлерден берли сақланып,бизге шекем жетип келип, жигирма биринши әсирде де жаңа мазмун менен байып атыр.Қарақалпақлардың тойлары дегенде төмендегилер түсиниледи.

-Жигиттиң үйлениў тойы.

-Қызды узатыў тойы.

-Бесик той.

-Тусаў той.

-Сүннет той.

-Мүшел той(мәселен, алпыс жасқа шыққан той, жетпис жасқа шыққандағы той, елиў жастың тойы,қырық жасқа шыққан той.Сондай-ақ, ерли-зайыплылардың қосылғанына отыз жыл, қырық жол,елиў жыл болғанларын да белгилейди).Мысалы, алтын той-қосылғанына алпыс жыл болғанларды белгилейди, гүмис той-шаңарақ қурғанына елиў жыл толғанлығын

нышанлайды. Соның менен бирге, перзентлердиң оқыўға барғаны менен байланыслы тойлар да халық арасында кең үрдис болып барып атыр. Мысалы, «папка той» дегени ул-қызының биринши классқа барыўы менен байланыслы бериледи. «Мектеп питирген той» 9-классты питкерген соң бериледи. «Студент той» -уллары-қызларының жоқары оқыў орнына кириўи менен берилетуғын той саналады. Булар ҳәзирги дәўирде қарақалпақ халқының өмиринде әҳмийетли ўақыялар саналады.

-Жылама .үкем, жылама,
Той сеники яр-яр.
Алпыс баслы ақ орда.
Үй сеники яр-яр. [2:14]

Халқымыз турмысында той дәстүрлери өзгеше. Тойлар той баслар қосық пенен басланған. Жигит үйленгенде, келиншек алып келгенде бет ашарлар айтылған. Бет ашардың айтымал түри де қолланылған. Бет ашарларда ҳәзил-дәлкеклер де,юмор-сатиралар да пайдаланылған.Булардың барлығын Қ.Айымбетов пенен Ж.Хошниязовлар илимий мийнетлеринде түсиндиреди, мысаллар келтиреди. Тарийхый романларда той баслар, бет ашар қосықлары сюжетке, композициялық қурылысқа шеберлик пенен киргизип жибериледи[5,86:6:3.13], үйлениў тойларда бет ашар дәстүри атам заманнан берли сақланып киятырған ҳәдийсе есапланады.Тазадан түскен келиншекке сол елди,инсанларды таныстырады, дайылар-жийенлер,жезде-балдызларға ҳәзил-дәлкек айтылады.Мысалы,романларда бет ашарлар ел жасы уллыларына қарата айтылады.

-Аўыл-елдиң ағасы,
Елтири тонның жағасы,
Аққан суўдың сағасы,
Байрамбай деген атаңыз,
Оған бериң бир сәлем,-деп айтылады.Бет ашар айтыўшы елаттың жасы уллы, жасы кишилери менен жас келинди таныстырыў мақсетинде бет ашар айтады.Турақлы қәлиплескен, фольклордағы қатарлардан басқа, шайырлар,бет ашаршылар өзлери ядтан тоқып та шығарады.Адамның минез-қулқындағы нуқсанлар да бет ашарда айтылады.

-Ақ терек пенен бойласқан,
Ҳаялы менен ойласқан,
Қурбанияз деген қайнағаң,
Буған бериң бир сәлем,-деп аўылдағы бойы узын адамды таныстырады.

-Пошша торғай мүшели,
Қабырғасы үш ели,
Сапар деген жезденңиз,
Оған бериң бир сәлем,-деп киши бойлы,арық-турық адамды таныстырады.

-Есигиниң алды қумлық,
Ойлағаны сумлық,
Есен деген жийениң,
Буған бериң бир сәлем,- деп адамның минез-қулқындағы кемшиликти атап көрсетеди. Өзбек халқында келин сәлем дәстүри бар,қарақалпақ пенен қазақ халықларында бет ашар айтылады. Көбинесе, поэзиялық қатарлар менен бет ашар айтыў орын алған. Дуўтарға қосып та нама менен де айтылады.Бул бақсылар айтқанда көринеди. Шайырлар тазадан қосық қатарларын шығарады. Тарийхый прозада булар шебер пайдаланылады. Бердақ атындағы республикалық сыйлықтың лауреаты К.Мәмбетов «Он сегиз саўал» атамасы менен «Әмиўдәрья» журналында 1990-жылы 6-санда жазыўшы сыпатында қәлиплесиў жоллары, дөретиўшилик лабораториясынан түрли мағлыўматлар береди,«Бозатаў» романының жазылыўы, «Посқан ел» эпопеясының («Зобалаң», «Топалаң», «Түркстан» романларынан турады) дөретилиўи тарийхын айтады ҳәм повестьлери қалайынша жазылды, дыққатқа ылайықлы қызықлы дереклер келтиреди. Әжинияз образы жаратылған романды автор көлемли етип жазыўы мүмкин екенлиги туўралы жазыўшы пикирлери ушырасады. Тарийхый темада романлар тили де изертленилди[7.205] .

**ӘДЕБИЯТЛАР**

1.Султанов К.Әжинияз.-Нөкис,Қарақалпақстан,1967,267 бет.
2. Мәмбетов К.Посқан ел.- Нөкис,Қарақалпақстан,1988,368 бет.
3. Қайыпбергенов Т.Қарақалпақ дәстаны.-Нөкис, Қарақалпақстан,1979.496 бет.

4. Бекбаўлов О. Владимир Карақалпақов.-Нөкис,Қарақалпақстан,1987.178 бет.

5. Султанов А.Дөҳмет.-Нөкис,Билим,2008, 160 бет. Каримов К.Ақ қапшық. – Хорезм,Ургениш,2016,268 бет. Каримов К.Уллы дашт бөрилери.- Нөкис, Билим, 2004бет. Садықов А.Бостансыз бүлбил.- Нөкис.Қарақалпақстан,1988,320 бет

6.Айымбетов Қ. Халық даналығы.- Нөкис. Қарақалпақстан, 1988,320 бет.1968,297 бет.

7.Мәмбетов К.Ерте дәўирдеги қарақалпақ әдебияты.-Нөкис,Билим,1992,245 бет.

8. Хошниязов Ж. Қарақалпақ қаҳарманлық дәстаны «Алпамыс» (тарийхый- фольклорлық изертлеў тәжирийбеси) – Нөкис: Билим, 1992,144бет

9.Тлеуниязова Г.Мухаммед Хошанның «қуяштың жасы» топламында ишки бирлик ҳәм композициялық изленислер.- өРИАқ Б Хабаршысы,2015,1-сан,86-98-бетлер

10.Толстова Л.Н.Каракалпаки ферганской долины.-Нукус,Каракалпакское государственное издательство,1959,3-13-с.

11. Бекбергенова З. Қарақалпақ романларында көркем сөз поэтикасы (1980-2010-жыллар). - Нөкис: Илим, 2016.205бет.

# ADABIYOT DARSLARIDA KO‘RGAZMALILIK VA UNING TURLARI

**Lutfullayeva Feruza Nurillayevna**
Qashqadaryo viloyati Chiroqchi tumani
3-son maktabning ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ko’rgazmalilik turlari, adabiyot darslarida ko‘rgazmali vositalardan foydalanish usullari haqida mulohaza yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** adabiyot, dars, ko’rgazma, audio, video, ko’rgazmalilik, grafik, chizma, rasm, o’qituvchi.

Badiiy adabiyot borliqni jonli manzaralar, obrazlar orqali aks ettiradi. Tabiatiga ko‘ra adabiyotning o‘zi borliqning ko‘rgazmali tasviridan iborat. Ammo adabiyot darslarida san’atning boshqa turlari: kino, televidenie, musiqa, tasviriy san’at ham yordamga kelishi mumkin. Bular adabiyot darslariga qo‘shimcha axborot manbasi bo‘lib xizmat qiladi, o‘quvchilarda estetik tuyg‘ularning shakllanishi va rivojiga imkon beradi, shuningdek adib yaratgan obrazlarning o‘quvchi ongida yanada puxtaroq muhrlanishiga yordam beradi.

Hozirgi paytda turli kinoapparatlar, televizor, epidiaskop, magnitofon v.b. har bir maktabda mavjud. Bularning hisobiga ko‘rgazmali qurollar doirasi yanada kengaydi. Y.Komenskiyning ta’kidlashicha,: “Mumkin bo‘lgan hamma narsa tuyg‘ularning his etilishi uchun yetkazilishi kerak”. Boshqa bir pedagog K.D. Ushinskiy esa shunday yozadi: “Bola xotirasida nimanidir o‘rnab qolishini istagan pedagog imkoni boricha ko‘proq sezgi organlari: ko‘z, quloq, tovush, muskul harakatlari tuyg‘usi, hatto, mumkin bo‘lsa, hidlash va ta’m bilishni ham eslab qolishda ishtirok etishi haqida qayg‘urishi kerak”. Bunda esa darslarda ko’rgazmalilikdan foydalanish asosiy jihat hisoblanadi.

Ko‘rgazmalilikdan darsda va sinfdan tashqari ishlarda foydalanish bir-biridan jiddiy farq qiladi va boshqa-boshqa maqsadlarni ko‘zda tutadi. To‘garak ishlarida, fakultativ mashg‘ulotlarda o‘qituvchi biror tasviriy san’at, musiqa asari, tele yoki kinofilm bilan tanishtirish vazifasini qo‘yishi mumkin. Bu albatta o‘quvchilarning adabiy asarlarni o‘zlashtirishlariga muayyan darajada ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Darsda esa ko‘rgazmalilik o‘quvchilarning asarni o‘zlashtirishiga yordam bera oladigan darajadagina qo‘llanishi mumkin.

Adabiyot darslaridagi ko‘rgazmalilikning **bosh vazifasi** o‘quvchilarga adabiy asarni idrok etishda ko‘maklashish, yozuvchi ijodini to‘laroq tasavvur etishga yordamlashish, adabiy-nazariy tushunchalarni egallashga qo‘shimcha imkon yaratish, o‘quvchilar nutqini o‘stirishni ta’minlash, bir so‘z bilan aytganda, adabiyot o‘qituvchisi oldida turgan barcha vazifalarni hal qilishga yordam berishdan iborat.

Ko‘rgazmalilikning vazifalari nihoyatda xilma-xil bo‘lishi mumkin. Hozirda ko‘rgazmalilikning turlari xilma-xil: illyustrativ-badiiy hamda grafik-chizma materiallar, gramofon yozuvi va radioeshittirishlar, kinofragment va o‘quv filmlari, telefragment va televizion darslar va boshqalar. Ularning har biri ko‘rish, eshitish, sintetik shakldagi ko‘rgazmalilikka tegishli bo‘lishi mumkin.

Ko‘rish bilan bog‘liq ko‘rgazmalilik. Bunga yozuvchi va shoirlarning portretlari, asarlarga illyustratsiyalar, yozuvchi, adib hayoti va ijodiga aloqador bo‘lgan joylar fotografiyasi yoki yozuvchining hayoti, asari bilan bog‘liq fotosuratlar va boshqalar kiradi. Har holda eng kamida darslikdagi rasm namunalari shu vazifani bajarishi mumkin.

Yozuvchi hayoti va ijodini o‘rganishga doir albomlarda tasviriy san’at asarlaridan namunalargina emas, yozuvchining o‘zi va zamondoshlari aytgan fikrlar, xatlardan namunalar bo‘lishi mumkin. Tasviriy va hujjatli materialning bir xildagi birlashuvi albomlardan darsda ham, sinfdan tashqari ishlarda ham, yakka mashg‘ulotlarda ham foydalanish imkonini beradi.

Adabiyot darslarida ko‘rgazmalilikning yana bir turi xarita-sxemalar bo‘lishi mumkin. Har bir jadval va sxemalar ham o‘quvchilar bilimini mustahkamlash bilan birga ularning adabiy – estetik rivojlanishlarida omil bo‘lishi shubhasiz. Xususan, O‘rxun - Enasoy obidalari, Mahmud Qoshg‘ariy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Munis, Ogahiy, Muqimiy, Furqat, Hamza Hakimzoda Niyoziy singari shoir va yozuvchilarning hayoti va ijodini o‘rganishda bunday xarita-sxemalardan foydalanish katta samara beradi. Masalan, 5-sinf “Adabiyot” darsligida berilgan Muqimiyning hayoti va ijodini o‘rganishda adib borgan, asarlarida tasvirlangan shahar va qishloqlarni ko‘rsatib beruvchi xarita-sxemalardan foydalanish mumkin. Bunda adibning shaxsiy hayoti, ayniqsa, “Sayohatnoma”

laridagi geografik nomlar asos vazifasini ado etadi. Qolaversa, bu yoʻl bilan predmetlararo aloqaning oʻziga xos tomonlariga ham roʻpara kelinadiki, bu holat oʻquvchilarning turli sohadagi bilimlarini bir yerga jamlash, ulardan amalda foydalanish zaruratini yuzaga chiqaradi.

Koʻrgazmalilikning yana bir turi bu audio fayllar boʻlib, bunda darsda oʻrganilayotgan adibning oʻz asarlari oʻzi tomonidan oʻqilgan, yoki shoir she'rlari asosida kuylangan qoʻshiqlar, biror badiiy asar yuzasidan sahnalashtirilgan audio spektakllarni dars mobaynida oʻquvchiga eshittirish orqali mavzuning yanada mustahkamlanib, oʻquvchi xotirasida saqlanishiga asos boʻladi. Masalan, 8-sinf "Adabiyot" darsida "Muhammad Yusuf hayoti va ijodi" mavzusini oʻrganishda shoirning oʻzi tomonidan oʻqilgan she'rlari yoki shoir she'rlari asosida kuylangan qoʻshiqlardan namuna oʻquvchilarga eshittirilsa, mavzuning oʻquvchi tomonidan yanada qiziqish bilan oʻrganishiga xizmat qiladi.

Bulardan tashqari yozuvchilar asarlari asosida ishlangan kinofilmlardan parcha namoyish qilish orqali oʻquvchining ana shu asarga boʻlgan ishtiyoqini yanada oshiradi, masalan 6-sinf "Adabiyot" darsida Gʻ.Gʻulomning "Shum bola" qissasini oʻrganish jarayonida, qissa asosida ishlangan videofilmdan parcha namoyish qilinsa darsda shu asarning oʻquvchi tomonidan yaxshi oʻzlashtirilishiga erishiladi.

Xulosa qilib aytsak adabiyot fani oʻqituvchisi koʻrgazmalilikning qaysi turidan va qanday holatda, qay miqdorda foydalanishini aniq belgilab olishi va undan samarali foydalanishi oʻqituvchining ijodkorligiga bogʻliq. Zeroki, adabiyot darslarida koʻrgazmalilik oxirgi maqsad emas, balki mavzuni oʻquvchi yanada puxta oʻzlashtirishiga xizmat qiluvchi vositadir.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Y.K.Babanskiy. Hozirgi zamon umumiy ta'lim maktabida oʻqitish metodlari. "Oʻqituvchi" T.: 1990 yil.

2. B.Toʻxliyev. Adabiyot oʻqitish metodikasi. "Yangi asr avlodi" T.: 2006

3. 5-9 sinf adabiyot fani darsliklari.

# TOG‘AY MURODNING “OTAMDAN QOLGAN DALALAR” ROMANIGA CHIZGILAR

**Nematova Gulshan**
**Hamidullayeva Guljahon**
Zarafshon shahar kasb-hunar maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada adib Tog’ay Murodning “Otamdan qolgan dalalar” romani haqida so’z boradi. Masalaning asl mohiyati qissada milliy xarakter yaratish masalasi doirasida kechadi. Shuningdek, asarda adibning qahramon xarakterlarini tasvirlash uslubi o’sha davr- sobiq sho’ro davrining qusurlari, sarqitlari sifatida keltiriladi.
**Kalit so’zlar**: Tog’ay Murod, sivilizatsiya, ot, ma’naviyat, ko’pkari, Tarlon, kurash, milliylik, asar, Ziyodulla, Rixsiyev.

Odam Ato osmondan tushgani bilan uning pushti kamaridan bo’lgan insonlar tabiat va jamiyat farzandlari edi. G’ordan chiqib ovchilik, chorvadorlik va dehqonchilikka o’rgangan insoniyat sivilizatsiya tufayli tabiatdan bir qadar uzoqlashdi. Ayni paytda kishilarda jamiyatdan uzilish hodisasi yuz berdi. Tabiatdan yiroqlashish odamzodni Tarzanga, jamiyatdan yiroqlashish esa Robinzonga aylantirdi. Har ikkala jarayonda ham odam ma’naviy, hissiy, ruhiy jihatdan qashshoqlashdi.

Tog’ay Murodning “Ot kishnagan oqshom” qissasi asosida aslida ana shunday falsafiy mazmun yotadi. Afsuski, asar haqida yozgan deyarli barcha tanqidchilar va adabiyotshunoslar buni hisobga olmadilar. Natijada ayrim personajlar talqinida chalkashliklar paydo bo’ldi. Qissaning bosh qahramoni g’irt qishloqi yigit, beshinchi sinfda kal bo’lib qolib, maktabni tashlab ketishga majbur bo’lib qolgan, qishloqning qo’y echkilarini boqib cho’ponlik qilayotgan - Ziyodulla. Sirtdan qaraganda chalasavod, xunuk bu yigitchaning qalbida Yaratganning o’zi ol qulim deb ato etgan ma’naviy go’zallik bor. U do’mbira chertib qo’shiq aytadi, hamqishlog’i Momosuluv degan suqsurday chiroyli bir qizni g’oyibona sevadi, tushlarida ko’rib chiqadi. Biroq tuyaning ustida it qopgan, jismoniy jihatdan ko’rimsiz bo’lib qolgan Ziyodullaning sevgida ham omadi chopmaydi. Momosuluv Ziyodullaning yuragidan urgan emasmi, baribir shashtidan qaytmaydi, qayta qayta sovchi qo’yaveradi. Oxiri Momosuluvga uylanadi. Endi uning yana bir orzusi bor edi. Ot sotib olib, ko’pkari chopish. Ziyodulla bir suruv qo’y puliga ot oldi. Boshqasini qo’yavering Ziyodullaning Oboqli dashtida otlarga bergan ta’rifining o’zidanoq, uning qanchalik sinchkov otbozligi ma’lum bo’ladi. Beshinchi sinf ma’lumotiga ega bo’lgan Ziyodullani, ta’bir joiz bo’lsa, otshunoslik bo’yicha professor deyish mumkin.

Tarixdan ma’lumki, sho’ro davrida Sobiq Ittifoqda qishloq xo’jaligi sohasida 23 marta islohot o’tkazildi. Shulardan biri qishloqda yuksak tehnika taraqqiyoti uchun shiori ostida o’tkazilgan notavon bir tadbir edi. Sobiq sovet publisisti Yuriy Chernichenkoning ta’kidlashicha, Sobiq SSSR1984-1988 yillarda AQSH ga nisbatan besh marta ko’p traktor ishlab chiqarilgan. Ammo traktorlarning umri 5 yilni, AQShda esa 20 yilni tashkil etgan. Bu –bir. Ikkinchidan AQShda fermer xo’jaliklarida mo’ljallangan ishlar traktorlar orqali amalga oshirilgan. Oqibatda kuchli traktorlarning ko’payishi, yer sifatining buzilishiga, tuproq eroziyasining kuchayishiga olib kelgan. Adabiyotshunos Vadim Kojinov buni Amerikadan o’zish emas, insonning tabiatga nisbatan eksplutatorlarga munosabatining kuchayishi deydi. Darhaqiqat, tabiatga ko’r – ko’rona hujum jamiyatning iqtisodiy qudratini ko’tarishga garov bo’lolmas ekan. Turg’unlik yillarida ko’pgina xo’jaliklar traktorvoz, mashinaparvar bo’lib ketdi. Insonning jamiyat va tabiat farzandi ekanligidek dialektik birlikka putur yetdi. Tog’ay Murod buni shunday ifodalaydi:

“Onamiz norozi bo’ldi. Beti burishib burishib og’rindi. Labini burib ming’illadi.

-otim nimam… otdan mashina yaxshi… - dedi.

- mashinam nimam? Oti borning - qanoti bor, - dedim”

“Birodarlar mashina deganlari temir! Joni yo’q! Joni yo’q temir odamga el bo’lmaydi! Temirning yuragi yo’q-da! Ot odamga el bo’ladi. Boisi otning joni bor, yuragi bor-da!” Ana!

Ziyodulla odamlarning kulishi, masxara qilishiga qaramay, o’z otini bolaga qaraganday tarbiyalaydi, uni o’z birodari o’rnida ko’radi. Mana shu joyida uning siymosi o’quvchi ko’z oldida ma’naviy jihatdan sog’lom, jamiyatning ilg’or kishisi, tabiatning oshufta oshig’i sifatida

gavdalanadi.

Shunisi qiziqki, Tog’ay Murod o’z romanida odamlar xarakteridagi fazilat bilan qusurlarning paydo bo’lish sabablarini avvalo, shaxs tevarak – atrofidagi jamiyat va tabiat uyg’unligining buzilishidan izlaydi. Misol uchun Rixsiyev obrazini olaylik. Radioocherk yozish uchun qishloqqa kelgan muxbir. Asli shu yerlik. Ikkalasi ancha suhbatlashishadi. Suhbatning boshida Ziyodullaning javoblari kishida kulgu uyg’otsa, keyinchalik Rixsiyevning dumbul mulohazalari, xalq og’zaki ijodiga munosabati, qo’ylarini esga olganda buqalamunday tuslanishi o’quvchining ensasini qotiradi. Rixsiyev aslida o’zini ziyoli sanagani bilan jamiyatdan, tabiatdan uzoqlashib qolgan odam. Ehtimol shuning uchun bo’lsa kerak, urilibmi, surilibmi yana qishloqqa ko’chib keladi. U xalqaro ahvolni ipidan ignasigacha yaxshi biladi. Hovlisini sozlash uchun ham hamqishloqlari hasharga borsa, supaga yonboshlab olib ma’ruza o’qiydi. O’quvchi uchun undan chalasavod Ziyodullaning o’lsa o’ligi qimmatdir. Abdulla Oripovning “Dor” nomli she’ri bor. She’r xuddi Rixsiyev haqida:

Goho yer mehrini o’ylarkan,
Esga tushar yerning siyog’i
Ajab hikmat! Odam o’larkan,
Uzilganda yerdan oyog’i

Istaymizmi yo’qmi, biz shu o’rinda Rixsiyev va Ziyodullani solishtirib ko’ramiz. Ikki shaxs, ikki tushuncha, ikki ma’naviyat! Rixsiyevlar o’zingni bil, o’zgani qo’y degan xudbinona aqidaga amal qilib yashagani tufayli, ming so’zamol, ming bilimli bo’lsin, baribir, jamiyatdan begonalashib qolgan. Uning bunday qiliqlaridan to’g’risi jirkanamiz. Binobarin, yozuvchining maqsadi ham shu, o’quvchida shunday tuyg’uni uyg’otishdir.

“Tillabaliq suvdan boshini ko’tarib, daryoga mening hech qanday aloqam yo’q deganida, bu siyosiy va axloqiy tuturuqsizlikning uchiga chiqqan ko’rinishi bo’lardi” deydi farang adibi Janni Rodari. Rixsiyev o’z aqidasi bilan ana shu baliqdan farq qilmaydi.

“Yulduzlar mangu yonadi” asarida kurash tasviri orqali qahramonlar ruhiyatini, xarakterini, ma’naviyatini, fe’l-atvorini ochib bergan Tog’ay Murod “Ot kishnagan oqshom” asarida o’z g’oyasini ilgari surishda ko’pkaridan foydalanadi.

Tarlon qissa oxirida xaloskor tulporga aylanadi. Ziyodullani kaltaklab ketgan to’rt kishi odam qiyofasidan hayvon qiyofasiga, Tarlon esa hayvon qiyofasidan odam qiyofasiga kirganday tuyuladi. Ezgulik baribir oyoq ostida qolmaydi. Tilsiz jonivor Tarlon o’ziga qaragan, tarbiyalagan, parvarish qilgan egasini o’limdan qutqarib qoladi. Ana, otning bo’ynidan quchoqlab olgan jonsarak Ziyodulla yo’lda kelar ekan, Tarlonga hayolan minnatdorchilik bildirib boryapti: “Ayo, tarlon, sen mening birodarimsan, birodarim. Bo’ldi men endi ularni birodarim demayman. Mening birodarim sensan, Tarlon”. Bu Ziyodulla chavandozning qat’iy qarori edi. U kelbati odamsifat kishilardan qo’l siltayapti. Insonga mengzagan maxluqlardan yuz o’giryapti. Qissadan chiqaradigan achchiq xulosa shunday.

Ayni vaqtda asar ona tabiatga, hayvonot olamiga mehr ko’zi bilan qarashga, ularga hamisha insoniy munosabatda bo’lishga da’vat etadi, jamiyat bilan tabiat o’rtasidagi uyg’unlikka zarracha putur yetsa, ekologik tartiblar buzilsa, tuzatib bo’lmas noxushliklar yuz berishi mumkinligidan ogohlantiradi. Iste’dodli yozuvchi Tog’ay Murodning “Ot kishnagan oqshom” nomli ikkinchi qissasi odamlarni ma’naviy mukammallik ruhida tarbiyalovchi, ezgulikka, go’zalikka boshlovchi ajoyib asardir.

“Tog’ay Murod tasvirlagan chavandozlar xiyonat ko’chasiga kirmagan, odamlarga faqat yaxshilik ravo ko’radigan asl o’zbeklardir. Adibning Tarloni Tolstoyning Xolstomeri, Aytmatovning Gulsarisi qatoriga kelib qo’shildi” deydi O’zbekiston Xalq yozuvchisi Said Axmad. Oqsoqol adibimiz xaqdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Tog’ay Murod “Otamdan qolgan dalalar” romani
2. Imomqulov Olim. “Tog’ay Murodning qissanavislik mahorati”.
3. www.tadqiqot.uz
4. www.adabiyot.uz
5. www.ziyouz.com

# “МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

**Қодиров Бобур Қодирович**
ТАТУ Қарши филиали ассистенти
Телефон: +998(97)3184223
b-qodirov@bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** Талабаларга ўз дунёсини тушунишга ёрдам беришда турли хил фанларни ўқитиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Синаб кўриш учун бир нечта ёндашувлар мавжуд бўлса-да, ёдда тутиш керак бўлган энг муҳим нарса шундаки, бизнинг фан ўқитувчилари сифатидаги ролимиз талабаларга илмий услуб қандай ташкил этилишини ва фан нима учун уларнинг ҳаётига ўзро боғлиқлигини тушунишга ёрдам беришдир. Ушбу мақолада бир қанча таълим усуллар таҳлил қилиниб, маълумотлар базаси фанини ўқитишдаги ижобий ёндашувлар келтириб ўтилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Анъанавий ўқитиш, ҳикояли ўқитиш, роллар ижроси, визуал маслаҳатлар, ўқув суҳбатлари, маълумотлар базаси, ахборот технологиялари

Бугунги таълимда фактларни қийинчиликлар билан яратишдан кўра, талабаларнинг иштироки ва уларнинг йиғилган материалларни тушунишига кўпроқ эътибор берилади. Демак, фан ва бошқа тегишли фанларни талабаларга ўргатиш учун доскалардан ёки одатий маъруза усулларидан фойдаланиш этарли бўлмайди.

Кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар илғор ғояларни таклиф қилишди ва улар виртуал ўқитиш сценарийлари ёки симуляциялари талабалар ўртасида мавзуларни яхшироқ тушунишга ёрдам бериши мумкинлигини ҳақида айтиб ўтганлар.

Талабалар фандаги фактлар ёки топилмаларни ўрганишдан кўра кўпроқ фан оламини ўрганишни яхши кўрадилар. Фандаги ушбу инновацион ўқитиш усуллари мақсадга эришиш учун одатий ўқитиш усулларини алмаштириши мумкинлигидан далолат беради. Улардан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин [1]:

*Анъанавий ўқитиш*

Бу ҳозирги кунга қадар ихтиро қилинган энг яхши ўқитиш усули бўлиб, у шунчаки томошабин нуқтаи назарига эга бўлишдан кўра, илмий тушунчаларни ҳис қилишда талабаларнинг фаол иштирокини ўз ичига олади.

Талабаларнинг ўрганиш даражасини яхшилаш учун синф хоналарда арзон нархлардаги қурилмалардан фойдаланиш таклиф қилинмоқда (эхтиёжга қараб). Бунга мисол сифатида товуш ва алоқа ҳақидаги билимларни ўргатиш учун симли телефон, 3D тузилмаларни ўргатиш учун гугурт таёқчаси, айланиш ҳаракатини ўргатиш учун тишли қалам ёки шунга ўхшаш нарсаларни айтиб ўтиш мумкин.

*Ҳикояли ўқитиш*

Талабалар ҳикояларни эшитишни яхши кўрадилар ва шунинг учун ҳикоя қилиш уларнинг диққатини синфда жалб қилишнинг энг яхши усулларидан биридир.

Ўқитувчи биология фактларини ёки физика қонунларини ҳикоялар шаклида тушунтириши мумкин. Бу ақлий ташкилотчи, чунки инсон мияси оддий фактларни эмас, балки воқеаларни эслай олади. Баъзи ўқитувчилар бутун концепцияни ҳикоя сифатида тақдим этадилар, бошқалари эса сессияни очиш ва тугатиш учун ҳикоядан фойдаланадилар.

*Роллар ижроси*

Ушбу инновацион усул фан таълимининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда, чунки талабалар янги концепцияни ўрганиш жараёнида интеллектуал ва жисмоний фаолиятни жалб қилишлари мумкин.

Машғулотлар синфдаги машғулотларда ташкил этилиши мумкин, бу эрда талабалар гуруҳи кимёвий реакцияни ўрганиш учун атомлар ёки молекулалар ролини ўйнаши мумкин ёки улар муайян олим қонунларини намойиш қилиш учун олимлар гуруҳи вакили бўлиши мумкин.

*Визуал маслаҳатлар*

Визуал маслаҳатлардан фойдаланиш эшитиш маълумотларини осонгина тўлдиради ва талабалар ғоялар билан осонгина боғланади.

Кўп ҳиссий тажрибалар уларнинг тушуниш ва ёдлашни яхшилайди. Бунга назарияга

ёрдам берадиган чизмалар, диаграммалар ва расмлар киради ва унинг амалий томонини кўрсатиш учун мисоллар ўрнатилади.

Лаборатория процедуралари кетма-кетлигини сўзлар ёндашуви билан расмлар ёрдамида яхшироқ ўргатиш мумкин.

*Ўқув суҳбатлари*

Ўқув суҳбатларини қуриш, фанга оид луғатни ўргатишнинг асосий усули ҳисобланади. Уларга маърузалар оралиғида муҳокама қилинадиган мавзу билан боғлиқ илова билан бўлган тажрибалари ҳақида гаплашишларига рухсат беринг.

Бу уларнинг илмий ва техник атамалардан фойдаланган ҳолда мулоқот қилишда илм-фан соҳасида диалог қурилишига ёрдам беради. Талабаларга фан луғатини осон ўрганишга ёрдам бериш учун буни синф стратегиясига айлантиринг.

Ахборот технологиялари (АТ) дунёси АТ бўлмаган бошқа технологиялар билан солиштирганда тез суръатлар билан узлуксиз асосда ўсиб бормоқда. Компьютер фанлари ва ахборот технологиялари билан боғлиқ курсларни ўқитиш [2]

- асоҳанинг тез ва узлуксиз ривожланиши;
- АТ-иш берувчиларнинг ишга қабул қилинганлардан янгилик кутаётганликларини ошириш;
- лаборатория инфратузилмасини харид қилиш ва бошқариш;
- ахборот технологиялари билимлари доирасини кенгайтириши;
- сифатни баҳолашнинг турлича ва қатъий тизимларини ишлаб чиқиш каби бир қанча омилларини келтириб чиқаради.

Ўқитувчилар ва лаборатория ходимлари креатив дунё қарашга эга бўлишлари керак. Чунки, АТ соҳасидаги тез ўзгаришлар бўлаётган бир пайтда соҳалар, айниқса, ишлаб чиқиш воситалари ва технологиялар ҳам ривожланмоқда. Шубҳасиз, АТ курслари, хусусан, бакалавриат даражасидаги курслар кенг кўламли талабларни қондириш учун мўлжалланган бўлиши ва (ES-BK, 2013) стандартларини бажариши керак. Хусусан, маълумотлар базалари фойдаланувчи эҳтиёжларини қондириш учун мижоз-сервер, веб ва булут моделларни ҳам қамраб олиши керак [3].

Маълумотлар базаси курси ихтисослашган ҳар қандай даражадаги компьютер муҳандисчилиги дастурларининг ажралмас қисмидир. Маълумотлар базаларини ўқитиш - нормализация усулларини ўрганиш, SQL иборалари, операцион берилган маълумотлар базаси маҳсулоти ва бутун синф учун ягона, катта маълумотлар базасини лойиҳалаш ҳақида умумий фикрлаш шакли бир семестрда ўтказилади. Бироқ, бу ёндашув дастурчиларни қониқтирмайди, чунки, қисқа муддатда уни тўлиқ ўрганиш мураккаб жараёндир. Айниқса, амалий характердаги дастурларнинг барчасида бу ҳолат кузатилади. Анъанавий этказиб бериш техникаси маълумотлар базаларининг назарий жиҳатларини таъкидлайди, бу мумкин кўникмаларни шакллантиради, аммо, замонавий билимларни эгаллашга тўсқинлик қилади ва кўпинча истисно ҳолатда реал дунёдаги лойиҳаларни бажаришда салбий таъсир қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Carter J and Boyle R (2002). Teaching Delivery Issues – Lessons from computer science. *Journal of Information Technology Education* 1 (2) 77 – 88
2. Torp L and Sage, S (2002) Problems as Possibilities: Problem-Based Learning for K-16 Education. New York: Torp Books
3. Д. Тожибоева. Маҳсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «FAN VA TEXNOLOGIYA», 2007. 181-183 б.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 8-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000